
ВАТАН ТАҚДИРИ - МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Жорий йилнинг 4 июнь куни Риштон туманидаги Мудофага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилотида ёшларнинг барча қатламларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатда ёшларга оид олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида “Ватан тақдири – менинг тақдиримда” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар тренингда туман Адлия бўлими мутахассиси А. Нурматов, туман ИИБ бўлими ходими Д. Мамажонов, Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари Н. Амиров, Ёшлар ишлари агентлиги Риштон тумани бўлими бошлиғи М. Алижонов билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур семинар тренингда уюлмаган ёшлардан иборат жами 126 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек ижтимоий фаоллигини ошириш асосий мақсад қилиб олинган.

Тадбирда сайлов-2021, “Ёшлар дафтари”, шахсий бизнес, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, меҳнат ҳуқуқи каби мавзулар ҳақида тушунтиришлар берилди.

2021-06-05 10:01:55